

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 7 (10.312)

2005 ЙИЛ 10 ЯНВАРЬ

ПОЙТАХТНИНГ ОИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САРАТЛАРДА

● **БИР ҲАФТАДАН** бери янги йил мундарибати билан мактаб-гача таълим, умумтаълим, ўрта махсус касб-хуна таълими муассасалари ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари кайфиятини кўтариш мақсадида Тошкент хайвонот боғида уюштирилган Арча байрами тadbирлари бүгун нияҳосига етди.

● **ЎТГАН** кuni Тошкент Ислom университети қошидаги академик лицейда «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида талабалар иштирокида уюштирилган тadbир академик ёзувчи Мусo Тoшмұхаммад ўгли Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланди.

● **АЙНИ** кунларда Акмал Икромов туманида яшовчи кам таъминланган oilалар фарзандлари, ногиронлар учун ташкил этилган Арча байрами тантаналари, театрлаштирилган томошалар давом этмоқда. Ушбу тadbирлар 12 январь кuni якунланади.

● **АФРОСИЁБ** кўчасида яқиндаги фаолият бошлаган «Саломатлик — барча учун» тиббиёт марказига тиббиёт жиҳозлари келтирилди.

● **ҲАМЗА** туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан қайта таъмирланган 215-мактабда ўқувчиларнинг бўш вақтларини марoқли ўтказишлари учун шарoит яратилди. Ушбу илм масканида ижтимоий фанлар ва спорт тўғрoқлари ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳoқимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.



«Мурувват текс» масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар замонавийлиги билан ўз харидорини топмоқда.
СУРАТЛАРДА: Дилафрўз Мирзаева сифатга алоҳида эътибор қаратади; корхонада малакали чеварлар меҳнат қилишмоқда.

ОЧИҚ ВА ОШКОРА

Жаҳон матбуоти 2004 йил 26 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловлар ақунларини шарҳлашда давом этмоқда. Туркияда нашр этиладиган «Орта Догу» газетаси Ўзбекистонда сайловлар жараёнини бевосита кузатган журналист И.Улқунинг тахлийий материални эълон қилган:

«Мен сайловлар оёсийишта вазиyтада ва сайловчиларнинг фoл иштирокида ўтганининг гувоҳи бўлдим, — деб ёзади Ирфан Улқу. — Тошкентда ва мамлакатнинг барча вилоятларида компьютерлар ҳамда факсимал алоқа билан таъминланган сайловларни кузатиш марказлари ташкил қилинди. Бу ерда журналистлар ўзлари хоҳлаган барча ахборотни олиш имконига эга бўлдилар. Бундан ташқари республика сайлов қонунчилиги ҳақида маълумотномалар инглиз тилида чоп этилиб, хорижлик кузатувчилар орасида тарқатилди».

Мисрининг «Ас-Сийёс» газетасидаги мақола «Ўзбекистон парламентидаги сайловлар — демократия тўйи» деб номланган. Материал Ўзбекистонга халқаро кузатувчи сифатида ташриф буюрган газета бош муҳаррири ўринбосари Мухаммад Салома томонидан тайёрланган. Муаллиф сайловлар демократик нормаларга мос, эркин, очиқ-ойдин ва рақобат руҳида ўтганини эътироф қилиш учун барча асослар борлиги ҳақида фикр билдирган. М.Салома биринчи турда сайлов округларининг

қарийб ярмида голиб аниқланмагани ва шу боис 2005 йил 9 январь кuni уларда қайта овоз бериш бўлиб ўтишини ўз фикрини тасдиқлайдиган мисол тариқасида келтирган.

Мисрининг етaқи телекомпанияларидан қилинган «Nile TV» да намоийш қилинган махсус кўрсатувда ҳам сайловлар натижаларига юқори баҳо берилди. Унинг муаллифи, сиёсий шарҳловчи Али Муборак Ўзбекистондаги сайловларда иштирок этиб, қатор сайлов участкаларидан жонли репортажлар олиб борган эди.

«Баъзи халқаро ташкилотлар вакилларининг пессимистик баъшоратларига қарамадан Ўзбекистонда ўз номзодлари учун овоз бериш мақсадида қўллаб қўғарилар сайлов участкаларига келишди, — деб ёзади АҚШнинг етaқи халқалик нашрларидан бири — «Уикил Стандард» мухбири Стефан Шварц «Frontpagemag.com» интернет-наширда. — Марказий Осиёнинг ушбу республикасида демократик жамият бунёд этишининг барқарор динамикаси кузатишмоқда».

Польшанин «Трибуна» умум-

миллий газетаси ўз мухбири Михал Пжечек мақоласини эълон қилган. Мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловларини бевосита кузатган журналист шундай деб ёзади:

«26 декабрь кuni Ўзбекистонда биринчи марта икки палатали парламентга биринчи марта сайловлар ўтказилди. Олий Мажлис тизимини ўзгaртириш ҳақидаги қарор бундан уч йил муқаддам умумхалқ референдумида қабул қилинган эди. Бундан ташқари шу кuni мамлакат фуқаролари вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда маҳаллий кенгашлар депутатларини ҳам сайлашди. Бу ерда янгилик жорий қилинган: депутатлик тавсия қилинган номзодлар сонининг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши шарт. Ўзбекистон давлат ҳoқимияти вакиллари сайловлар жараёнида баъзи бир камчиликлар бўлган бўлиши мумкинлигини тан олган ҳолда демократик аёнанага сабр-тоқат билан ва бoқичма-бoқич тарбияланиши кераклигини таъкидлашди».

Махмуд БОБОНАЗАРОВ,
«Жаҳон» АА.

белгиланди, сафарбарлик қақриуви резервидаги хизмат жорий этилди. Натижада қўшинларни тайёрлаш, техникавий таъминлаш сифатини яхшилаш, ҳарбий хизматчилар турмуш даражасини юксалтириш, Ватан мудофoаси учун етарли резервчилар армиясини шакллантириш имконияти яратилди.

Мамлакатимизда 2005 йил Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан армияда соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкам қарор топтиришга алоҳида аҳамият берилаёттир. Ҳарбий хизматчиларни озиқ-овқат билан таъминлашда илмий асосланган янги меъёрлар жорий этилди.

Муддатли ҳарбий хизматини ўтаб қайтган ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Уларни иш билан таъминлашда, олий ўқув юртида ўқиш истагида бўлган избратли аскарларга тегишли тартибда имтиёзлар бериш йўлга қўйилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Турсунбой БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

XVI сақоси Хаср

Барча мактаблардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 58 та, шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 16 та сайлов округида такрорий овоз бериш жараёналари бўлиб ўтди.

● «ЭКОСАН» халқаро жамғармасида 2005 — Сихат-саломатлик йили муносабати билан «Соғлом мувоҳида — соғлом ҳаёт гарови» мавзuida халқаро анжуман ўтказилди.

● 2005 йилнинг дастлабки кунлариданок Асакадаги «ЎздЭУавто» қўшма корхонасида «Матиз» автомобилининг тўрт поршени янги моделини ишлаб чиқаришга киришилди.

● Қоракалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманида Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржасининг туманларо савдо маркази иш бошлади. Бу яқин атрофдаги бир нечта туманлар фермерлари учун катта қулайлик яратди.

● «Каттақўрғонпахта» очик турдаги акциядорлик жамиятида ҳозирги кунгача 36 миң тонна хон ашёнинг 30 миң тоннага яқини қайта ишланди ва олинган 10 миң тонна атрофдаги тола тўлиқ экспорт қилинди.

● Нурота тоғлари ён бағридаги Баландосмон қишлоғида базальт тошларини қайта ишлаш мақсадида «Электроизо-лит» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг худудий бўлими ташкил этилди.

Жаҳонда

● Хитой Халқ Республикасининг аҳолиси 1 миллиард 300 миллион кишига етди.

● Фаластиннинг ФАТХ ҳаракати марказий қўмитаси ХА-МАС ғуруҳини Исроил худудидagi террорчилик ҳаракатларини тўхтатишга қақирди.

● Япония шимолда Рихтер шкаласи бўйича 5,2 балли зилзила рўй берди. Маълумотларга кўра, жабрланганлар ва вайронагарчиликлар қайд этилмаган.

● Астрономларнинг маълум қилишича, олис самода қўшдан 300 миллион маротаба катталиқдаги сайёрада кучли портлаш кузатилган. Ушбу улкан юлдузда ҳозирда газлар ажралиб чиқиб жараёни юз бераётганлиги айтилмоқда.

● Франциялик машхур альпинист, «Ўргимчак одам» лақаби билан донг таратган Аллен Робер Хитой Тайпейи поймактидаги баландлиги 508 метрга тенг дунёдаги энг баланд осмонўпар Taipei 101 биносини забт этди.

14 январь - Ватан химоячилари кuni

ШОНЛИ САНА АРАФАСИДА


Ватан химоячилари кuni ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил тоганининг 13 йиллиги арафасида поймактидаги Марказий офицерлар уйда матбуот анжумани бўлиб ўтди. У ҳозирги бoқичда Куролли Кучларнинг ислоҳ қилиниши мавзуйига бағишланди.

Мудофaа вазирининг ўринбосари М.Аҳмедов, вазириликнинг қақриуви ва резервдагиларни тайёрлаш бошқармаси бошлиги Б.Мирзамухаммедов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш ва худудий яқилитлигини сақлашга, элюртимининг осуда ҳаётини ишончли химоя қилишга қодир, замонавий курол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган Куролли Кучлари шакллантириш борасида алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганини таъкидладилар.

Мамлакатимизда ана шундай тамоман янги, профессионал армияни шакллантириш бўйича кенг кўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг Куролли Кучлари орасида илк бор юртимизда моделлаштириш ва симуляция маркази ишга туширилди. Мазкур даргоҳ ҳарбий кадрларни ўқитиш ва бошқарув органлари учун малакали мутахассизлар тайёрлашда, қўшинлар фаолиятига энг янги технологияларни кенг татбиқ этиш ва ҳарбий соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда самарали хизмат қилмоқда.

Муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб



Жаҳон ва оммавий ахборот воситалари хабарларидан

● Хитой ОАВлари тарқатган маълумотларга кўра, мамлакат аҳолиси 1,3 миллиардга етди. Хитой ҳукумати аҳоли ўсиш суръатларини камайтириш мақсадида «бир оилада бир бола» давлат дастурини амалга оширмоқда. БМТ башоратларига кўра, Хитой аҳолиси йилга 8 миллион кишига кўпаймоқда.

● Янги йилдан бошлаб Жаҳон савдо ташкилоти сўнгиги ўн йил давомида тўқимачилик ва кийим-кечак маҳсулотлари савдосига қўйилган чекловларни бекор қилди. Бундан энгил саноат кенг ривожланган давлатлар, хусусан, Хитой, Пакистон, Туркия ва бошқа бир қатор мамлакатлар катта манфаат кўради.

● Туркия аҳолиси 2005 йилда ҳисоб-китобларни янги лирада амалга оширишни бошлади. Мамлакатнинг янги пули кўриниши билан аввалгидан фарқ қилмайди. Фақат пул қозғозда олти ноль олиб ташланган. «Би-би-си» мухбирининг хабарига қараганда, 2001 йилда мамлакатда инфляция даражаси 70 фоизни ташкил қилган ва лира курси тушиб кетган. Натижада 2 миллион киши ишсиз қолди.

Туркия ҳукумати янги лира, мамлакат аҳли хоҳлаганидек, барқарор иқтисодий рамиз бўлишига умид боғламоқда.

● Жанубий Осиёда бўлиб ўтган кучли тўфондан Буюк Британиялик 10 ёшли қизалоқ 100 га яқин одамни қутқариб қолди.

Хозирда «10 ёшли фаришта» дея аталаётган Тилли Смит исмли қизалоқ бир hafta аввалроқ тўфонлар ва уларнинг келиб чиқиши ҳақида география дарсида танишган эди. Таиланднинг Пхукет пляжида оиласи билан дам олаётган Тилли тўфондан бир кун аввал табиий офат аломатларини сезади ва оролда дам олаётган бошқа сайёҳларни огоҳлантиради. Мехмонхона маъмуллари тинчлантиришларига қарамай сайёҳлар ўз-ўзларини эвакуация қилишади. Натижада улар тирик қолишади.

● Доғистоннинг Осмонюрт қишлоғида экстремистларнинг катта миқдордаги ўқ-дори ва портловчи моддалар сақланаётган қишлоқни қўриқчи тўқилди, деб баёнот берди республиканинг ИИБ матбуот хизмати раҳбари А.Мусаев. Унинг айтишича, 10-15 киши яшириниши мумкин бўлган оморда «шаҳид»лар тақдидан портловчи модда билан тўлдирилган камарлар, икки катта идишда ўқ-дори ва бошқа қуроллар мавжуд бўлган.

● Илк марта АҚШ иқтисодий иқтисодий эркинлик даражаси бўйича етакчилик қилаётган мамлакатлар ўнлигига киролмади. 2004 йил охири бўйича «энг эркин» деб Гонконг иқтисодий эркинлик тан олинди, рейтингнинг иккинчи ўрнида эса Сингапур турди. Бу икки давлат 11 йилдан бери биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаб келмоқда.



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ЖАСОРАТГА ЧОРЛАЙДИ

Мана бир неча йилдирки, Ватан ҳимоячилари куни олтидан Республикада оммавий ватанпарварлик тадбирлари ўтказиб келинади.

Бундан кўзланган асосий мақсад, эса ўсиб келаётган ёш авлод руҳиятида ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш, уларга Ватан чегаралари дахлсизлиги, эл-юрт тинчлигининг асл моҳияти бугунги кунда қанчалик муҳим аҳамиятга молик эканлигини тушуниришдан иборат.

Ана шундай йиллардан бири куни кеча Республика Куролли кучлари музейида бўлиб ўтди. Унда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги бирлашган техника мактаби курсантлари, шаҳримизнинг Мирзо Улугбек туманида истиқомат қилувчи уруш фахрийлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Шу ўринда Куролли кучлар музейининг барпо бўлиш тарихи ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсак фойдалан холи бўлимас. Мамлакатимизда мазкур музейнинг ташкил этилиши ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарига тўғри келади. 1975 йилдан бошлаб эса музей ўзининг бой экспонатлари билан Ҳабиб Абдуллаев кўчасидаги сўлимгина Жасорат боғи ҳудудидаги муҳташам бинога кўчиб ўтди. Орадан қанча йиллар ўтса-да бу ердан одамларнинг қадами аримайди.

— Музейимиз учта тарихий даврни кўз олдимизда гавдалантиради, — дейди катта илмий ходим Дилором Раҳимова. — Биринчи қаватимизда Соҳибқирон Амир Темуру ва темурийлар даври, иккинчи қаватдан 1941-45 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ давр, учинчи қаватдан эса Мустақиллик йилларидаги ҳарбий ҳаётимизга дахлдор экспонатлар ўрин олган.

Дарҳақиқат, ҳар бир тарихий давр ўз талотумлари, эвриллишлари билан мазийнинг қайси бир бурчагидан биз томон сирли мўраляётгандай бўлади. Фақат уни қалб кўзи билан кўрмоқ, юксак инсоний фазилатлар рилтасида илгарамоқ жоиз.

Йулларга тикиламиз. Нигомимиз юзларидан нурунийлик нури ёғилиб турган, ёшларга дахллатли

уруш йилларининг унутилмас давларидан муңгли ҳижолат сўзлаб бериш истағида ташриф бўлган уруш фахрийлари га тушади. Ҳа, улар бугун катта биро оиланинг энг қадрли, энг эъозли қариялари. Аммо, уларнинг қалбида жасорат қалқиб турган хотираларни эшитганинг сайин бугунги дорилмон кўнларнинг қадрига етгандай бўласан. Қўнглинни шукроналик, осмони мусаффо юртнинг фарзанди эканлигиндан гурурланиш ҳислари чулғаб олади.

— Урушнинг ҳақ қилувчи жангларига қатнашганман, — дейди тадбирда сўз олган уруш фахрийси Мадамин ота Ҳасанов. — Жон олиб жон берганимиз. Жуда кўпгаб қуролдош дўстларимиздан, қадонларимиздан айридик. Биз габака қилдик. Аммо бу габака бошқа халқлар қатори ўзбек халқига ҳам қимматта ташди...

Бундан ташқари тадбирда иштирок этган Икром Жамолов, Иброҳим Расулов сингари фахрийлар ҳам ёшларга муҳим урушнинг аянчли қиёфаси ҳақида гапириб беришди.

Айниқса, йилгиланларда уруш йилларини эсга солувчи экспонатлар катта таассурот қолдирди. Ўзбек халқининг асл ўғлонлари — генерал-майор Собир Раҳимов, Кўқор Турдиев сингари давр қаҳрамонларининг шонли ҳаёт йўли ҳақида ҳижо қилувчи лавҳалар йилгилан иштирокчиларининг диққат марказида бўлди. Албатта, бугунги авлод уруш дахллати билан рубаруб келган эмас. Илло, бундай разолатдан фақат яратганинг ўзи асрасин. Шу маънода ёш курсантлар катта таассуротдан ўртасидаги учрашув тинч-тотув шайтган халқимиз аҳиллик, осийишталик тарафдори эканлигидан далолат беради. Зотан, бундай мулоқотлар замирида ёшларни жасоратга, фидойиликка чорлашдек умумийлик қадрият муҳассам эканлигини ҳам ёддан чиқармаслик зарур.

Хидирали ПАНЖИЕВ
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

ДЕМОКРАТИЯ ЙЎЛИДАН СОБИТҚАДАМ

2004 йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтган парламент сайловлари муносабати билан халқроқ кузатувчилар таркибида мамлакатимизга Фуқушима-Ўзбекистон дўстлик ассоциацияси ижроия директори Тошио Шишидо ташриф бурди. Япониялик меҳмон «Жаҳон» АА мухбири билан мулоқотда мамлакатимиз ҳаёти ва парламент сайловлари ҳақидаги ўз таассуротлари билан ўртоқлашди.

— Бу менинг мамлакатингизга учинчи бор ташрифимдир. Биринчи сафар Республика Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан 1992 йили Ўзбекистонга келган эдим. Шунингдек, 2000 йилда бўлиб ўтган президент сайловларини кузатиш учун мамлакатингизга таклиф қилинган эдим.

Бу гагли парламент сайловлари давомида мен Кўқон шаҳри сайлов участкаларида фуқаролар овоз беришининг шохиди бўлдим. Шунга таъкидлаш истардимки, парламент сайловлари юксак даражада ташкил этилди, сайловчиларнинг катта қизиқиши ва фаол иштироки билан алоҳида ажралиб турди. Фуқаролар ўз хоҳиш-иродаларига кўра сиёсий партиялар ва мустақил номзодларни сайлаш имконига эга бўлдилар.

Мен сайловчилардан «қайси партияга сайланишни хоҳлардингиз?» деб сўраганимда, улар «Ўзбекистоннинг эркин ва собитқадам демократик тараққиётини таъминлайдиган ва халқнинг фаровонлиги учун курашаётган номзодлар» галаба қозонишни истардик дея жавоб беришди. Бу Ўзбекистон халқининг ўз келажаги ҳақида чукор ўйлаётгани, эзгу мақсад йўлида умумий сайёҳаракатлар ва ҳамжихатлик зарурлигини теранг англаётганидан далолатдир.

Мамлакатингиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган давр мобайнида демократик ривожланиш йўлидан изчил қадам ташлаб, салмоқли ютуқларга эришди. Бўлиб ўтган

парламент сайловлари бунинг яна бир ёркин ифодасидир.

— Японияда мавжуд икки палатали парламент тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда бундай палата тизимининг жорий этилиши қандай ижобий натижалар беради деб ўйлайсиз?

— Авваламбор, эндиликда фуқаролар ўз манфаатларини ҳимоя қилишга қодир, юксак малака ва ҳаётий тажрибага эга вакиллари парламентга сайлаш ва шу орқали ўз келажаклари йўлини белгилаш имконига эга бўлишди.

Бундан ташқари, партиялар ўртасида сиёсий кураш ва рақобатнинг ортиси мамлакат демократик ривож ва иқтисодий юксалишининг муҳим қароратларидан биридир. Бу халқ хоҳиш-иродаси ва интилишларининг ҳукумат қонунлари ва қарорларида янада тўлароқ акс этиши, ҳукумат билан аҳоли ўртасидаги уйғунликни қароратлашга хизмат қилади. Зотан, мамлакатнинг изчил тараққиёти ва фаровонлиги учун самарали сиёсий дастур таклиф этган партияларга фуқароларнинг ишончи ва овозига сазовор бўлишлари мумкин.

— Ўзбекистон билан Япония ўртасида олис масофага қарамасдан икки халқни мустаҳкам дўстлик ришталари боғлаб туради. Бу борада Фуқушима — Ўзбекистон дўстлик ассоциацияси томонидан амалга оширилаётган фаолиятга қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Ўзбек ва япон халқлари қадим замонлардан буён Буюк Ипак йўли орқали бир-бирла-

ри билан иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйишган. Бугунги кунда япониялик фуқаролар орасида кўпна савдо йўлига ва унинг марказида жойлашган Ўзбекистонга катта қизиқиш мавжуд. Бу қизиқиш ҳамда ўзбек халқи тарихи ва бой маданияти билан чуқурроқ танишиш истағи 1991 йилда Фуқушима — Ўзбекистон дўстлик ассоциациясининг ташкил этилишига асос бўлди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш учун кенг истиқболлар очиб берди.

Маълумки, иккинчи жаҳон уруши оқибатида Ўзбекистон заминида кўним топган япон фуқароларининг қабрлари мавжуд. Ассоциациямиз ҳар йили марҳумларнинг яқин қариндош-уруғлари ҳамда ўша суронли йилларда мамлакатингизда истиқомат қилган япон фуқароларининг Ўзбекистонга зиёратини ташкил этишда ҳар томонлама кўмаклашади.

Шунингдек, ассоциация сайёҳаракатлари билан Ўзбекистон Давлат шарқшунослик институти ва Фуқушима коллежи ўртасида ўзига хос маориф кўприғи барпо этилган бўлиб, у орқали ҳар йили ўзбекистонлик талабалар Японияда таҳсил олиш имконига эгадирлар.

Фуқушима-Ўзбекистон дўстлик ассоциациясининг режалари катта. Яқин келажада биз маданий алоқалар билан бир қаторда иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ҳам кенг йўлга қўйиш ниятидамыз.

Мардон ЁҚУБОВ
«Жаҳон» АА

ИККИЛАМЧИ МЕТАЛЛ — БЕБАҲО БОЙЛИК

Мамлакатимиз қора металлургия саноати ривожиди иккинчи хом ашё — металл чиқинди ва парчаларини тўплаш, ишлашга тайёрлаш ва топшириш муҳим ўрин тутди.

— Утган йил якунига кўра «Ўзметобинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасига олтимиш беш миң тоннадан кўпроқ саноатбоп қора металл парчаси етказиб бердик, — дейди «Иккиламчи қора металл» давлат унитар корхонаси директори Зайниддин Шарипов ўза мухбирига. — Шартномавий мажбурият 115 фоизга бажарилди.

Натижада корхонамиз бекободлик металлургия узлуқсиз ишлаши учун муносиб ҳисса қўшди.

Металл чиқиндилари тўплашни моддий рағбатлантириш омилиридан самарали фойдаланишнинг йўлга қўйилгани йилни юқори натижа билан якунлаш имконини берди.

СУГУРТА ВА БАНКЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Мамлакатимизда сугурта ташкилотлари билан кредит муассасаларининг ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Шу боис, жисмоний ва юридик шахслар томонидан олинган кредитларни ўз вақтида қайтариш билан боғлиқ сугурта фаолияти тобора кенгаймоқда.

— Бу тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлаётган, — деди «Ишонч» банкларига сугурта компанияси бош директори М.Ҳикматуллоев ўза мухбирига. — Якунланган йилда банк тизими ва унинг инфратузилмасини комплекс сугурта қилишга ихтисослашган компаниямиз миқдорли сони уч ярим миңдан ортиб, сугурта мажбуриятлари миқдори ўттиз миллиард сўмга етди.

Салғат

**МУХЛИСЛАРГА
МАНЗУР
ОРКЕСТР**

«Туркистон» деб номланган камер оркестри ўз фаолиятини бошлаганига ўн йил бўлди. Ўтган шу давр ижодий гуруҳ учун самарали кечди.

Унинг концерт репертуаридан 200 дан ортиқ musiқа асарлари ўрин олди. Мухтор Ашрафий, Икром Акбаров каби таниқли бастакорларнинг камер оркестри учун ёзган musiқалари ҳам мухлисларга манзур бўлмоқда.

Шу билан бирга Европа musiқаси намуналари ҳам оркестр ижросида янграмоқда.

Шу сана муносабати билан уюштирилган концерт мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Оркестр янги йилда Мирсодиқ Тожиев, Икром Акбаров, Мустафо Бафоев сингари бастакорларнинг энг яхши асарларини ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола қилди.

**ЯНА БИР
ҚИЗИҚАРЛИ
СПЕКТАКЛЬ**

Аброр Хадиятов номидаги драма Театри ўтган 2004 йилда ўз мухлисларини қатор қизиқарли спектакллар билан хушнуд қилган эди. Унинг навбатдаги постановкаси эса Янги йилга яхши совға бўлди.

Истеъдодли драматург Эркин Хушвақтов пьесаси асосида саҳна юзини кўрган «Эски севги хангомаси» спектакли ҳам томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди. Оила ва турмуш чорраҳалари муаммоларига бағишланган мазкур постановкадаги асосий ролларни театрнинг истеъдодли артистлари ижро этишмоқда.

**КОМПОЗИТОР
ИЖОДИГА
ЭХТИРОМ**

Машҳур композитор Арам Хачатурян яратган жозибали musiқалар Ўзбекистонда ҳам ижро этиб келинмоқда. Улар турли концерт ташкилотлари дастурларидан мустаҳкам ўрин олган.

«Қиличбозлар рақси» асари чанг чолғу асбобида ижро этилиб тингловчиларда завқ-шавақ уйғотмоқда. Санъаткорнинг скрипка учун ёзган концерти эса гижжак таронаси янглиғ янграмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри саҳналаштирган «Спартак» балети ҳам композитор ижодига эҳтиром рами бўлди.

Улкан санъаткор Арам Хачатурян таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон композиторлар уюшмасида ўтказилган ижодий кеча кўпчиликлда яхши таассурот қолдирди.

Акбар АЛИЕВ

Пойтахтимиздаги ошуда ҳаёт ва фаровон турмуш ортида бошқарма ходимларининг бетиним фаолияти ётишини кўпчилик ҳамиша ҳам англаб етавермайди. Лекин ҳукуматимиз уларнинг бу заҳматли ишларини муносиб баҳолаб келади. Мустақиллигимизнинг ўн уч йиллиги арафасида мазкур Бошқарма Жиноятчилик ва терроризмнинг турли кўринишларига қарши курашиш бўлими бошлиғи, майор Улуғбек Маҳсутовнинг «Жасорат» медали билан тақдирланганлиги ҳам сўзимиз исботидир.

Ушбу юксак мукофот билан, кутлаш мақсадида Улуғбек аканинг хузурида бўлди. Албатта, мукофот соҳибининг ҳаёти, фаолияти ва инсон сифатидаги фазилатлари хусусида қоғоз қоралашини ҳам ниёт қилгандик. Сўхбат бошидаёқ бир нарсани сездик: у кишининг илк кўзга ташланган фазилати камтарлик экан.

Шуни айтиш керакки, У.Маҳсутовнинг тоғаси ички ишлар ходими бўлганиданми, шу касбга қизиқиш унда болалигиданоқ бошланган. Мақсади йўлида матонат билан олға интилган. Танлаган касби бўйича олий мактабда ўқиш давомида ўз соҳаси сирларини пухта эгаллаган. Ички ишлар идораларида 1987 йилдан бошланган фаолияти мобайнида бўлса 1993 йилдан бери ишлаб келмоқда. У заҳматкаш ходим, талабчан раҳбар бўлиш билан бирга, меҳрибон оила бошлиғи, уч нафар фарзанднинг севишли отаси ҳамдир. 12 яшар ўғли Рустамбек ҳам отасига ҳавас билан қараб, унинг изидан боришга аҳд қилган.

— Албатта, йиллар давомида устозларимдан касбий билимларни ўрганиш билан бирга, уларнинг ҳаётий ақидаларини, феъл-атворидига яхши жиҳат-

ларини ҳам ўзлаштиришга ҳаракат қилганман, — дейди биз билан сўхбатда Улуғбек ака. — Айниқса, биринчи устозим — ҳозирда Транспорт ИИБида штаб бошлиғи бўлиб ишлаётган полковник Анвар ака Икромовдан ўзимдаги ижодий хислатлар учун жуда миннатдорман.

Ўз фаолияти давомида У.Маҳсутов тартиб-интизомга амал қилишни, адолатли иш тутишни, ички ишлар ходими деган шарафли номга муносиб

Ҳишондорларимиз

КАМТАРГА КАМОЛ

Ҳозирги кунда дунёни ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири, шубҳасиз, терроризмдир. Минтақамизда бу иллатга қарши курашда Ўзбекистоннинг ташаббус ва ҳаракатлари жаҳон афкор оммаси томонидан юқори баҳоланмоқда. Юртимизда, хусусан пойтахтимизда бундай жиноят турларига қарши курашда Тошкент шаҳар ИИББ Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармасининг алоҳида ўрни бор.

бўлишни биринчи ўринга қўяди. Мана шу тамойилларга асосланиб хизмат олиб бориши туфайли атрофдагиларнинг ҳурматиға сазовор бўлган. Аммо, ишдаги муваффақиятлари ҳақида сўз очганимизда, Улуғбек ака бу тўғрида ҳам очилиб гапирмади. Ҳатто, «Жасорат» медалининг берилишиға сабаб бўлган асосий хизмати хусусида сўраганимизда, бундай дели:

— Камтарга хизматларимиз эътиборга олингани қувонарли ҳол, албатта. Бу медал менинг ўзимгагина эмас, балки бўлимимиз, қолаверса, бошқармамизга қаратилган эътиборнинг нишонасидир. Бундан ташқари, ўйлайманки, ҳар қандай мукофот муайян ходимнинг шу пайтгача амалга оширган ишлари учун билдирилган миннатдорчилик рамзи бўлибгина қолмасдан, балки, унинг келажакда қилиши ло-

зим бўлган хизматларини таъкидлаб турувчи бир масъулият белгиси ҳамдир. Бўлимимиз ходимлари доимо мана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Айниқса, ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакил, майор Азиз Зокиров, катта тезкор вакил, катта лейтенант Турсунулла Тошпўлатов ҳамда тезкор вакил, лейтенант Ғайрат Ташматовларнинг жонбозликлари бошқаларға ўрнатилган бўлгудек. Уларнинг огоҳлиги ва фидоқорлиги билан кейинги йилларда пойтахтимизда бир қанча уюшган жиноятчилар қўлга олинди, ноқонуний курул-яроғ сақлаш ва ишла-тиш ҳоллари фoш этилди ҳамда қўллаб жиноятларнинг олди олинди.

Сўхбатимиз ўз-ўзидан халқнинг ҳуқуқий савияси, жиноятчиликка қарши курашда ички ишлар ходимларига ёрдамчи бўлишлари мавзусига келиб тақалди.

— Халқ — жуда катта куч, — дейди Улуғбек ака. — Лекин уни тўғри йўналтира олиш муҳимдир. Бунинг учун, аввало, кишилар ходимларимиз меҳнатининг моҳиятини англаб етмоқлари даркор. Бу борада ички ишлар ходимлари фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи детектив асарлар, бадиий ва ҳужжатли фильмларнинг аҳамияти катта. Зеро, одамлар улар орқали хизматимизнинг асл мазмуни халқ хавфсизлиги, юрт тинчлиги эканлигини тушуниб етсалар, ўзлари бизга кўмак берувчи кучга айланадилар.


Улуғбек аканинг кейинги ишларида муваффақиятлар тилаб, хузуридан қайтар эканмиз, «Камтарга — камол, манманга — завол» деган ҳикматининг яна бир қиррасини кашф этгандек бўлди. Шундай фидойи ва камтар ходимларнинг кўпайиши юртимиз равнақи учун хизмат қилиши табиий.

Ҳамидбек ЮСУПОВ

**«СУВЖИҲОЗГАЗ» МАҲСУЛОТИ —
ТЕЖАМКОРЛИК ОМИЛИ**

Юртимизда газ ва сувни ҳисобга олишнинг замонавий тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Сувжиҳозгаз» Ўзбекистон-Хитой кўшма корхонаси яқунланган йилда республика аҳолиси ва корхоналарга тўрт юз мингдан ортиқ турли ҳажмдаги ҳисоблагичларни етказиб берди.

Юздан зиёд ишчи меҳнат қилаётган мазкур корхонада ўтган йили ўн миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот тайёрланди.



— Ҳозир йигирма турда иссиқ ва совуқ сув ҳамда газ ўлчагичлари тайёрлапмиз. Улардан фойдаланаётган жисмоний ва юридик шахсларга икки йилгача муддатда белул ва кафолатли хизмат кўрсатилмоқда, — деди кўшма корхона бош директори Хун Юань Чао ЎзА мухбирига.

— Бу кафолатли иш деярли барча минтақалардаги замонавий техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган сервис кўрсатиш ва таъмирлаш марказларида амалга ошириляётир.

Айтиш жоизки, истеъмолчининг сув ва газдан оқилона фойдаланишида муҳим омил бўлаётган сифатли, экологик тоза бундай маҳсулотлар бутловчи қисмлари маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда.

Жорий йилда ҳам тўрт юз мингта шундай ўлчагич ишлаб чиқариш мўлжалланган.

СУРАТЛАРДА: корхона ишчиси (чапдан) Ҳикматжон Каримов, цех бошлиғи Равшан Имомов, ишчи Атҳам Холмухамедов, ишлаб чиқариш менежери Ҳикматилло Мўминжонов, ишчи Маҳмуджон Иргашев ва бригадир Нодир Комиллов корхона цехида; «Сувжиҳозгаз» Ўзбе-



кистон-Хитой кўшма корхонасида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот. Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган суратлар.

ТАДБИРКОРНИНГ ҲУҚУҚИЙ КЎМАКЧИСИ

Хусусий сектор мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг ҳал қилувчи ўзаги саналади. Тадбиркорликнинг оммавий шакли сифатида умумий юксалишининг барқарорлигини таъминлайди. Ушбу тармоқнинг ривожланиши бозорни керакли маҳсулот ва хизматлар билан таъминлабгина қолмай, рақобатни кучайтириш, маҳсулотларни яхшилаш ва таннархи пасайишиға имкон яратади.

Мамлакатимизда кичик ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш борасида қўлгина қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар амалиётга жорий этилган. Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон савдо-саноат палатаси»нинг ташкил этилиши, мамлакатимиз тадбиркорлари учун янада кенг имкониятлар эшигини очди. Ҳозирги кунда юртимизда 500 мингга яқин хўжалик юри-

ти ташкил этилиши, мамлакатимиз тадбиркорлари учун янада кенг имкониятлар эшигини очди. Ҳозирги кунда юртимизда 500 мингга яқин хўжалик юри-

тувчи субъектлар фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 220 мингдан ортиқроғи «Савдо-саноат палатаси»га аъзо бўлган. Палатанинг асосий мақсад ва вазифалари тадбиркорларға ҳуқуқий

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс»

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб дона бўлиб...

• Келтиришларича, Бани Исроил қавми орасида бир киши бўлиб, у дарё сафарига чиққан эди. Ногоҳ қаттиқ шамол кўзғалиб, кема қояга урилди ва кемадаги кишилар фарқ бўлди. Халиги киши эса кемадан ажралган бир дона тахтага илиниб, қирғоққа чиқишга муваффақ бўлди. У қирғоқда тўпланиб турган амир ва вазирлардан иборат бир тўда отлиқларни кўрди. Отлиқларнинг кўзи халиги кишига тушиши биланок, барчаси отдан тушишди ва унинг устига шоҳона хилхатлар ташлашиб, иззату икром билан шаҳарга олиб келиб, салтанат тахтига миндиришди. Халиги киши таажжубланиб ўзича: «Ё тавба, бу қанақа сир бўлди», дерди.

У бир неча кун дам олиб ўзини ростлаб олгач, хаёлга чўмиб деди: «Улим чангалидан кутулиб, салтанат тепасига чиқиб қолдим. Харқалай тирик қолганимга шукр қилмоғим, бундан кейин ахволим не кечишини ўйлаб, эҳтиёт чораларини кўрмоғим зарур».

У шундай деб вазирлар орасида энг доно саналган вазирни йўқлатди. Уни ўз сирларидан хабардор қилди. Вазир ҳам уни мамлакат сирларидан воқиф қилиб деди:

— Бу халқнинг хар йилда тайин қилган бир кун бўлиб, ўша кун барчаси тўпланишади ва подшони тўтиб олиб шаҳар четидан ўтувчи катта дарёга улоқтиришади. Эртасига эса узоқдан келаётган мусофирни тўтиб олишиб, тахта ўтказдилар. Унга эса бу сирни ошқора қилишмайди. Хар йили шу ахволни такрорлайдилар!

Подшо деди:

— Эй вазир, ҳозир қўлимизда имконият борлигида бу балодан кутулишимиз даркор. Чорасини топ!

Вазир ўйланиб туриб деди:

— Дарёнинг нариги бетида бир чангалзор бўлиб, доимо кўм-кўк бўлиб туради. У ерда ҳеч ким яшамайди. У ерга уста ва боғбонларни юборайлик, улар чиройли бинолар барпо қилишсин, атрофни боғ-роғларга айлантиришсин. У ерга яхши матолар ва бойликларни юборамиз. Сузувчи ғулмлар ва кемасозларга эса кема ясапти кўямиз. Сенинг подшоҳлик мухлатинг туғашидан олдинроқ мен у ерга бораман. Кема ва сузувчиларни юбориб, сени кутқариб оламан!

Эртасига халқ подшони тўтиб дарёга улоқтирдилар. Вазир томонидан тайёрлаб қўйилган ғаввослар подшони тўтиб олиб, кемага чиқардилар ва янги шаҳарга элтдилар. Подшо, вазир ва у ерга олиб борилган халқ осойишта ҳаёт кечира бошладилар.

ХИКОЯТ. Бир фозил киши бир улуг одам билан доимо ҳамнафас садокат русумини жойига қўйишдан бир дақиқани ҳам зое ўтказмас эди. Бир кун ундан сўради: «Фалон киши сўхбатининг таъсири сен учун қай даражада?» Деди: мухаббат нуридир кўзда, хаёли доимо дилда, эрур жоним томоғимдан туролмай ишқдан бир дам.



Қўрағмалар

ОДДИЙ ЎЗБЕК ХОНАДОНИ

Яқинда Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейи директори Турғун Дўстаев раҳбарлигида музей жамоаси катта сайё-ҳаракатларни амалга оширгани ҳолда музейнинг кичик ҳовлисида ажойиб оддий ўзбек хонадони қурилди.



Бу ерда этнографик тарзда қурилган уй: яшаш хонаси, айвон, ҳовли ва ошхона бор. Хонанинг ичида тоқчалар дид билан қўйилган уй жиҳозлари —

лаган, коса, чойнак, пиёла, самовор, деворларда зардевор, каштачилик маҳсулотлари — паллак, гиламлар осилган. Ушбу миллий ўзбек хонадонини кичик амалий санъат музейи деса ҳам бўлади. — Яқин орада унга танчани ҳам ўрнатиш ниятимиз бор, — дейди Т.Дўстаев.

Ошхонада тандир, ўчоқ ёнида оташкурак, ҳокандоз қўйилган, ҳовлида супа, супада палос, хонтахта — хуллас, бир сўз билан айтганда ота-болаларимиз яшган хонадон бор бўйбасти билан номён бўлган. Бу эса чет элдан келган сайёҳларда жуда катта қизиқиш уйғотмоқда, улар қизиқиш



кўп саволлар беришмоқда.

Бу ерга келган кишиларга музей экскурсоводлари юқори маҳорат билан амалий санъатнинг кўп қиррали жиҳатлари хусусида сўзлаб, қўйилган экспозициялар орқали бо соҳада улар онгини оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Раҳматхон АКМАЛОВ.

СУРАТЛАРДА: оддий ўзбек хонадонидан ўрин олган жиҳозлар.

Муаллиф олган суратлар.

Сув кемасида туриб жуда қизиқ манзараларни, гаройиб организмларни кўриш мумкин. Беқиёс уммонларда яшовчи бу жониворлар ўз елканларини очиб шамол ва сув оқими томон сузайдилар. Бу елкани медузаларнинг бир тури физали номли жонивор бўлиб, унинг елкани сузгич пуфагидан иборат. Бу жонивор ўта чиройли бўлиб, турли хил рангда товланади. Унга қўлингиз тегиб кетса, ёмон оқибатларга олиб келади.

Табиат ажойиботлари

ТУРЛИ ХИЛ РАНГДА ТОВЛАНАДИ

Унинг елкани ёки пуфаги гидростатик мослама бўлиб, жониворнинг тана вазнини ўзгартириб туради. Пуфақча ҳаво билан тўлганда физали шамол эсган томонга қараб сузади. Шамол кучайиб сув тўлқинлана бошлагач пуфақча деворлари сиқилиб, ортиқча ҳаво ташқарига чиқарилади ва медуза уммон қаърига шўнғиб кетади. Сув тўлқини тинчигач, махсус ҳужайралар газ ишлаб чиқаради ва медуза яна сувнинг бетига кўтарилади.

Ҳаво пуфагининг тагида бир метрча узунликда пайпаслагичлари бўлиб, унда жуда кўп миқдорда куйдирувчи ҳужайралар жойлашган. Ана шу пайпаслагичлар балиқ ёки бошқа бир жониворга тегиб кетса уни шол қилиб қўяди, унда ўта кучли ва тез таъсир этадиган заҳарли модда бўлади. Медуза заҳари барча органлар ҳужайраларини нобуд қилади, ўпка, жигар ва талоқда шиш пайдо бўлади, натижада жонивор ҳалок бўлади.

Физали заҳарга қарши тайёрланган зардоб ижобий натижа бермади.

Америкада чиқадиган журналлардан бирининг хабар беришича, Бермуд оролларида важоҳатли медузалар пайдо бўлган. Уларнинг тана узунлиги 60 метргача етади. Бир неча ҳафта ичида ана шундай медузалар 27 кишини за-

ҳарлаб ўлдирган, шулардан 8 кишининг мурдаси медуза пайпаслагичлари билан ўралган ҳолда топилган, қолган мурдалар сувнинг бетига сузиб юрган. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур медузалар радиоактив нурулар таъсири остида мутацияга учраб ана шундай маҳобатли жониворларга айланган. Радиоактив моддалар эса ҳалокатга учраган собиқ шўролар сув ости кемасидан тарқалган. Ҳисобкитобларга кўра ана шу оролда 200 та ирсияти ўзгарган важоҳатли медузалар борлиги аниқланган.

Сўнгги йилларда хирадропус деган медуза тури билан заҳарланиш ҳоллари кузатилмоқда. Медуза танаси ялтироқ бўлгани учун сувнинг орасида уни кўриш анча қийин. Мазкур медузаларнинг заҳарлилик хусусияти Австралияга европалликлар келганидан кейин маълум бўлди. «Кўп вақтлардан бери сувдан топилган мурдаларнинг ҳалокат сабаби аниқ эмас эди ва ниҳоят унинг сири ошкор бўлди, яъни сувга тушган одамлар фақат ана шу медуза томонидан заҳарланиши аниқланди. Заҳарланган кишилар қаттиқ оғриқ дастидан товуш чиқаришга ҳам улгурмасдан сувга фарқ бўларкан.

Яҳё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.

Шарҳловчи минбари

ФАЛОКАТ ОҚИБАТЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Жанубий Осиё минтақасида 2004 йилнинг декабрида юз берган табиий офат оқибатларини тугатиш бўйича қўплаб чора-тадбирлар амалга оширилаётган.

ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, довул қурбонлари сони 150 минг кишидан ошган. Халқаро жиноят қидирув полицияси ташкилоти (Интерпол) томонидан юборилган тезкор гуруҳ ҳалок бўлганларнинг шахсини аниқлаш мақсадида улардан бармоқ излари ва бошқа биометрик кўрсаткичларни йиғишга киришди.

Ғожиа 5 миллиондан зиёд кишини бошпанасиз қолдириди. БМТ Бош-котибининг махсус вакили Мария Окебанинг таъкидлашича, уларга зарур ёрдам кўрсатилмаса, қурбонлари сони 300 мингга етиши мумкин. Ҳозир, қўплаб мамлакатлар фалокатдан зарар кўрган ҳудудлар аҳолисига ҳаво транспорти орқали инсонпарварлик ёрдамишни етказишга ҳаракат қилаяпти. Ушбу мақсадда халқаро ҳамжамият томонидан жами 4 миллиард АҚШ доллари миқдориди маблағ ажратилди.

Индонезия президенти Сусило Бамбанг Юдхойоно Жанубий Осиё минтақасида довул хавфидан огоҳлантирувчи тизимни яратиш такдифини илгари сурди. Бундай қурилма келгусида соҳилбўйида яшовчи одамларни фалокатдан сақлаб қолиш имконини бериши мумкин.

Табиий офат Тинч ва Ҳинд океанларини боғлаб турувчи муҳим сув йўлакларидан бири — Малакка бўғозидида кема қатновини тўхтатиб қўйди. Улкан тўлқин ушбу худуддаги йўл кўрсатувчи ва хавфли саёзликлардан огоҳлантирувчи барча белгиларни суриб кетган, зилзила эса сув тубини ўзгартириб юборган. Махсус ускуналар билан жиҳозланган АҚШ ҳарбий кемалари бу ерда тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича, Малакка бўғозининг янги сувости харитасини яратиш ва бу ерда йўл кўрсатувчи белгиларни қайта ўрнатиш учун бир неча йил сарфланиши мумкин.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Биласизми?**МИЯ
ЗАРАРЛАНГАЧ...**

Кутуриш ўткир кечадиган юқумли касаллик бўлиб, марказий асаб тизилишининг оғир шикастланиши оқибатидир. Бу хасталикда қўзғалиш аломатлари ва кейинчалик эса фалажлик кузатилиб, олди олинмаса ўлим билан тугайди.

Одамлар, барча сунт эмизувчи ва иссиққонли ҳайвонлар кутуришга мойил бўладилар. Аммо кутуриш касаллиги билан асосан ит, мушук ва ёввойи йиртқич ҳайвонлар касалланади. Одамга бу касаллик кўпинча кутирган ҳайвон қопганда, шунингдек унинг сўлаги янги ярага ва ҳатто терининг тирналган ерига ёки қўл, бурун шилик пардасига тушганида юқиши мумкин. Одам организмига тушган вирус биринчи навбатда асаб толалари бўйлаб тарқалади. Бош миёна ва орқа миёна кириб олган кутуриш вирус у ерда тезлик билан кўпая бошлайди ҳамда миёна хужайраларини зарарлайди, сўлак безларига етиб боради ва сўлак билан бирга ажрала бошлайди.

Одамда кутуришнинг яширин даври хилма-хил бўлади. 12-14 кундан то бир неча ойгача ҳатто бир йилдан ортиқроқ давом этиши ҳам мумкин. Кўпинча касаллик ҳайвон қопгандан сўнг 3 ҳафтадан то 3 ой муддат ичида ривожланади.

Ҳайвон тишлаганда дарҳол илиқ совуни сувда жароҳатни узоқ ювиш, унга йод эритмасини қўйиб, вақтни ўтказмасдан тиббий ёрдам кўрсатишни сўраб туманлардаги санитария-эпидемиология марказларининг антирабик бўлимига мурожаат этиш керак. У ерда тиббий ходимлар ёрдамида кутуришга қарши эмланади.

Кутуришнинг олдини олиш чораларидан энг асосийси ит ва мушукларни бир йилда бир марта кутуришга қарши эмлатиб туриш керак. Шунингдек, болаларни кўча-кўйда дайдиб юрган ит-мушуклар билан ўйнашларига йўл қўймаслик зарур.

Кутуриш касаллигининг олдини олиш фақат тиббиёт ходимларининггина иши бўлмай, балки милиция органлари, ветеринария ходимларининг ишига айланиши керак.



Болаликнинг завқли олами — ўйинчоқлар дунёси.

**ҚИММАТГА
ТУШГАН «ЎҚИШ»**

Кунлар совиб, қишнинг нафаси сезилиб турибди. Ўқувчилар, талабалар зўр шижоат билан ўқишларни ҳам бошлаб юбордилар. Кун кеча университет, институтларга ҳужжатларини ҳаяжон билан топширган ёшларнинг баъзилари талаба бўлди, баъзилари эса йўқ...

Қалбида лиммо-лим орзулари билан Тошкентга келган Абдулатиф ҳужжатларини Тошкент Давлат педагогика университетига топширди. Ўзининг билимига унчалик ишонмаган йигит, таниш топиб «тапласмоқчи» бўлиб келгача университет атрофида сангиб юрди, аммо ҳеч кимга «ичидагиси»ни айтишга журъати етмади. Охири юраги сиқилиб шу яқин атрофдаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғига борди. Музқаймоқ еб ўтирар экан, бир нуқтага тикилиб, ҳаёл суриб кетди. Шу пайт унинг хаёлини бир йигит бўлди. «Бу ер бўшми?», — деди у. Йигит индамади. Шунга қарамай, у ўриндиққа ўтирди.

— Нималарни ўйлаб қолдингиз, йигитча? — яна қитмирлик қила бошлади нотаниш йигит. Абдулатифнинг энсаси қотиб:

— Сизга нима? — деди.

— Балки ёрдамим керак бўлиб қолар. Кўринишингиздан, гап-сўзингиздан бу ериликка ўхшамасиз?

Йигитнинг юрагига умид учқун пайдо бўлди ва унга дилдаги гапларини айтди. Сирилли кимса жуда тангалчи экан:

— Ҳўш қанча бермоқчисан? — деб жиддий сўради.

— Минг. Ундан ортигини бера олмайман, — дедил гапирди Абдулатиф.

— Яна 100 қўшасан.

— Келишдик!

Хуллас улар келишиб, пул олди-берди «операция»сини ўтказишди. Мана, ҳаяжонли дақиқаларга ҳам озгина қолди, ўйларди йигит ўзича. У ўқишга киришига ишониб қўйганди. Биринчи августда бўладиган имтиҳон ўтиб, энди жавоби чиқса... Жавоби чиқди, аммо ўқишга кирганлар рўйхатида Абдулатиф йўқ эди... Нима қиларини билмай доғда қолган йигитнинг керакли органга хабар беришдан бошқа иложиси қолмаганди. Шундай ҳам қилди. Фирибгар тезкор ходимлар томонидан ушланиб ўз жазосини олди.

Ушбу воқеага ташқаридан қарайдиган бўлсак, агарда Абдулатиф ўзининг билимига ишониб, ўқиб-ўрганиб имтиҳон топширганида. Балки...

**САРОБГА ЎРАЛГАН
«УМИД»**

Самарқанд. Ана шу шаҳардаги ҳов-

дилардан бирида яшовчи Ҳалима опа бугун ташвишда.

Совиб қолган чойини ичар экан, кўзини бир нуқтага қалаб нималарнидир ҳаёл сурарди. «Эндигина одамларга ўхшаб тўй қиларман, хонадонимга келин туширарман, деб ўтирган вақтимида ўғлим қандайдир безориларга қўшилиб қамалиб кетди. Шу ёлғизгина фарзандимни деб эрим ўлганидан кейин бошқа турмуш қўрмадим, болам бекамукўст уни-улғайин дея елиб-югурдим. Мана, кўрган роҳатим шу бўлиб турса...» Ҳалима опа ўғлини қандай қилиб бўлса ҳам қамоқдан озод этиш ҳақида ўйларди. Бир таниши қандайдир кимсанинг шу иш билан шуғулланиб юришини, фақат озгина қўл ҳақи сўрашини айтганди. Ҳалима опа ўғли қамалиб қолганидан кейин қўли ишга бормай, ўйлаётгани ўрнидан зўрга турадиган бўлиб қолди. У шу алфозда анча ётди. Ўғлини қўмсаб, соғиниб кўзларида ёш қолмади. Охири йиғиб қўйган пуллари тўплади-да, ҳалиги таниши топан кишига олиб бориб берди. У эса бир оз кутиш кераклигини, ҳаммаси жойига тушганида ўзи кўнгирак қилиб хабар беришини айтди. Аёл доғлисига қарар экан, ўзининг хонадони унга нурсиздек, файсиздек кўринди. Унинг юрагига умид учқун пайдо бўла бошлади. Ҳалима опа бир ғайрат қилиб анчадан бери тозаланмаган ўйини йиғиштиришга тушди. Бир зумда ҳамма ёқ ёғ тушса ялагулек бўлди. Аммо соатлар кетидан соатлар, кунлар кетидан кунлар ўтиб аёлнинг умиди сўна бошлади. Яхши ҳам қўшниси бор экан, бўлмаса Ҳалима опа ўзини «еб» қўярди. Бир кун уша қўшни аёл бўлиш Нодирага бор гапни айтди.

— Вой ўлмасам, — тилини тишлади Нодира. — Сўрамай-нетмай бегона кишига бор пулингизни бериб юбордингизми? Ахир бу пуллари топиш осон бўлгани йўқ, ҳали ўғлингиз келади, тўйлар қиласиз, шулар ҳақида ўйламанингизми? — таажубланиб гапирди.

— Қўйинг, Нодира, бўлар иш бўлди, — бепарвогина жавоб берди Ҳалима опа.

— Йўқ, нега энди кўяр эканман, жонажон қўшним шундай аҳволга тушса, мен жим қараб тураманми? — дея Нодира телефон гўшагини кўтарди ва тезкор тергов гуруҳига бўлган воқеани баён қилди...

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан жиноятчи ушланди. Ҳалима опанинг ўғли ҳам муддатини ўтаб опа бағрига қайтди.

**УҚУВИ ЙЎҚ
БИЗНЕСМЕН**

Азизанинг бугун ошири олчи, борган сари иши юришиб даромади ҳам кўпайиб қолди. Бунинг билан қўшни аёллар озгина қарз бериб туринг, деб пул сўраб чиқишади. Азиза хасис эмас,

**ТЕЛЕВИЗОРДАН
ИНТЕРНЕТГА
УЛАНИШ**

Буюк Британиянинг «Freedomland» компанияси телевизор орқали интернет тизими қуриш имконини берувчи «NetBox» қурилмасини юртимиз аҳолисига кенг қўламда сотишга киришганига кўп бўлгани йўқ. Лекин 2004 йил охиригача йигирма беш мингта ана шундай ноёб техника воситаси етказиб берди.

— «NetBox» аппарати интернет тизимига телевизор орқали улашиш имконини беради, — деди ушбу компаниянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бош директори Муҳаммад Харон Чоудри ЎзА мухбирига. — Айни пайтда ундан ривожланган давлатларда бир миллиондан ортиқ киши самарали фойдаланяпти.

Бу замонавий қурилма мактаб ва олий ўқув юртиларида дарс ўтишда, кинотеатрларда, меҳмонхоналарда фильмлар намойиш этишда, зарур ахборот ва тасвирларни олишда айниқса қўл келади. «NetBox» айни вақтда интернетдаги маълумотларни принтер орқали қоғозга кўчириш имконини беради ва факс вазифасини ҳам ўтайди.

ЎзА

қўшниларига қўлидан келганича ёрдам беради, албатта ўзининг эҳтиёжларидан ортгани ҳолда.

Нариги маҳаллада яшовчи Сухроб анчадан бери Азизани кузатиб юрибди...

Кунларнинг бирида Азиза уйда ёлғиз ўтирарди. Бир маҳал эшик кўнгираги чалинди. Азиза эшикни очса нариги маҳаллада яшовчи Сухроб. Аёл бу йигитни кўчада кўп кўрган бўлса-да, уйига чиққанидан таажубланди. Сухроб бунга эътибор ҳам бермасдан гап қотди:

— Азизахон, эшиттишимча анча бой-и қолдибсиз, — биратўла мақсадга кўчмоқчи бўлди.

— Йўқ-э, — қўлимсираб гапирди аёл, — жуда унчалик эмас.

— Хоҳласангиз қўлингиздаги пуллар бундан-да кўпроқ бўлади.

— Қандай қилиб? — қизиксиниб сўради аёл.

— Мен фирма очмоқчиман. Аммо қўлимда етарли маблағ йўқ. Агарда рози бўлсангиз менга озроқ пул бериб турсиз, яъни ҳамкор сифатида. Ўзимни тиклаб олгач, берган пулларингизни умрингизнинг охиригача фоз қилиб бериб тураман. Ушанда сиз берган пул қаерда-ю, мен сизга берадиган пул қаерда бўлади. Ер билан осмончалик фарқ бўлади. Ишонаверинг, бундан-да бой-иб кетасиз, — қатъий гапирди Сухроб.

— Сиз илгари бундай ишлар билан шуғуллангансиз?

— «Синиб» қоладими деб хавотирга тушаётган бўлсангиз, кўнглингиз хотиржам бўлсин. Бундай ишлар менга «чўт» эмас, — мийиғида кулиб қўйди Сухроб.

«Менинг нафсим балоидир, ёнар ўрта солодир», деган экан машойихларимиз. Улар жуда тўғри айтишган экан...

Азиза қутилмаган бу тақдирдан доғдираб қолди ва бирданига:

— Қанча? — деди.

— 4 миллион, — шартта гапирди Сухроб.

— Бунақа катта пулни эримнинг рўхсатисиз бера олмайман, сал кечроқ келинг, унчага келиб қоладилар.

— Вой, нималар дейяпсиз, эрингиз сизнинг қилган ишингиздан аксинча хурсанд бўлади. Агар шундай имкониятни қўлдан бой берганингизни эшитиб қолсалар ҳали сизни койийдилар. Менга пул берман дегувчилар кўп, майли сизни мажбур қилмоқчи эмасман.

— Йўқ, тўхтанг, — Азиза уйдаги пуллари санаб, Сухробнинг қўлига тутказди...

Азизанинг эри ишдан келгач, аёл бўлган воқеани айтиб берди. Эридан анчагина койиш ҳам эшитди. Шу-шу бўлди-ю, на пулдан дарак бор, на Сухробдан.

Шунда Азиза секингина телефон гўшагини кўтарди-да, «02»ни терди...

Феруза УМРЗОҚОВА

Сўзубон

**ТЕРМА
ЖАМОАМИЗ
САФАРДА**

Германияда ўтадиган жаҳон чемпионати финалига йўлланма олишни мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари жаҳон чемпионати саралаш баҳсларининг иккинчи босқичига қизгин ҳозирлик қўриш мақсадида КЕЧА Бирлашган Араб Амирликларига жўнаб кетишди.

Унда Равшан Ҳайдаров шогирдлари учта ўртоқлик учрашувини ўтказди. ЭРТАГА терма жамоамиз футболчилари Россиянинг «Ростов» клубига қарши майдонга тушишса, 14 январда Россиянинг яна бир жамоаси «Крилья Советов» билан куч синашишди. Дарвоқе, 16 январь кунги сўнгги ўртоқлик учрашувиде терма жамоамизга Украина чемпиони Киевнинг «Динамо» жамоасининг рақиб бўлиши кутилмоқда. Шуниси қизиқки, ушбу учрашувда Максим Шацкигерма жамоа либосида майдонга тушиши ҳамон номаълум. Сабаби «Динамо» мураббийлари моҳир ҳужумчиси мизга терма жамоа машғулотларида қатнашишга рухсат беришмаган.

Аммо, мухлисларга маълумки «Ростов» ҳамда «Крилья Советов» жамоаларида терма жамоамиз аъзолари тўп суришди. Шу бос, «Ростов»га қарши кечадагидан беллашувда Андрей Аюпьян терма жамоамиз шарафини ҳимоя қилади. «Ростов» жамоасининг азоси Николай Ширшов эса негадир Ўзбекистон терма жамоаси машғулотларига чақирилмаган. Шу бос Николай ўз клуби таркибиде майдонга тушади.

Шунингдек, «Крилья Советов» жамоаси ҳужумчиси Марат Бикмаев ҳам терма жамоамизга жалб этилган. Шу тўғриси ҳам Марат ўзбекистонликлар сафиде майдонга тушади.

Хулоса қилиб айтганда, терма жамоамиз мураббийлари ушбу учрашувлар сабаб легионерларимизнинг ҳам, маҳаллий футболчиларимизнинг ҳам жиддий синовга тайёргарликлари қай даражада эканлигини яна бир қара назардан ўтказиб олишди.

(Ўз мухбиримиз)

Халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони тожини кийди. Юртимизда Президентимиз томонидан спортга, жумладан, футболни ривожлантиришга бераётган улкан эътибор самараси ёлароқ, футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси яна Осиёнинг энг кучли терма жамоаларидан бири сифатида тан олинди.

Иигитларимизнинг ўз ўйин услуби ва ишончли ҳаракатлари, айниқса, 2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларида аққол номён бўлди. Футболчиларимиз саралаш гуруҳида Ироқ, Фаластин ва Хитой Тайпейи терма жамоаларини ортда қолдириб, яқини саралаш босқичига йўлланма олди.

Спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси — Олимпиада ўйинлари спортчиларимиз учун муваффақиятли яқунланди. Греция пойтахти Афинада ўтказилган мусобақаларда 69 нафар спортчи ўн беш спорт тури бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

Юнон-рум кураши устаси Александр Доктурашили ва эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони, Сидней Олимпиадаси финалчиси Артур Таймазов олимпия олтин медалига сазовор бўлди. Эркин кураши Магомед Иброҳимов кумуш, боксчилар — жаҳон чемпиони Ҳитирбек Ҳайдаров ва Осиё чемпиони Баҳодир Султонов бронза медалини қўлга киритди.

2004 йилда Ўзбекистонда оммавий спортни янада ривожлантириш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, етишиб келаётган ёш авлодни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти янада такомиллаштирилди.

СПОРТ — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

2004 йил — Ўзбекистон спорти учун муваффақиятли йил бўлди. Спортчиларимиз мавсумни мамлакатимизда ва хорижда ўтган нуфузли турнирларда Афина Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини берадиган йўлланмалар учун кураш билан бошлади.

Олий ўқув юртлири талабаларининг Самарқандда ўтган «Универсиада-2004» мусобақалари қизгин баҳсларга бой бўлди.

Бадий гимнастика ҳамда синхрон сузиш бўйича ўтказилган «Шарқ гўзали» ва «Сув париси» халқаро турнирлари маъруз спорт турлари юртимизнинг шаҳар-кишлоқларида жадал ривожланаётганини кўрсатди.

Айниқса, бадий гимнастика бўйича

юқори савияда ташкил этилган Жаҳон кубоги босқичи — «Шарқ гўзали» халқаро турнирида дунёнинг энг кучли гимнастикачилари чиқилари муҳлису мутахассисларга, эндигина катта спортга қадам қўйган спортчи қизларга олам-олам қувонч бағишлади.

Синхрон сузиш бўйича «Сув париси» аънанавий халқаро турнири эса юртимизда спортнинг маъруз нафис тури йилдан-йилга оммалаштиганини, бунга давлатимиз раҳбарининг спортни ривожлантиришга бераётган улкан эътибори ва жойларда яратилган қўлай шароит муҳим омил бўлаётганини яна бир бор намойиш эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрга бағишлаб ўтказилган умуммамлакат оммавий марафони ташкил этилиши республикаимизда яна бир оммавий мусобақага даст берди.

Хуллас, 2004 йил мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида турфа мусобақаларга бой бўлди. Уларда спортчиларимиз эришган ютуқларни санаб адо этиш қийин. Юртбошимиз томонидан Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилинган 2005 йилда ҳам оммавий ва катта спортга берилаётган эътибор янада юксалиши табиий. Зеро, сиҳат-саломатлик соғлом турмуш тарзидан, жисмоний тарбия ва спортдан бошланади!

**Зоҳир ТОШХҲЖАЕВ,
ЎЗА ШАРХЛОВЧИСИ**

Максифр

**ШАХМАТНИ ЯНАДА
ОММАЛАШТИРИШ КЕРАК**

Шахматни бежизга «ақл гимнастикаси» деб аташмайди. Сабаби, ушбу спорт тури ҳақиқатан ҳам ақлни чархлайди, фикрни тиниқлаштиради, инсоннинг матонатли, иродали бўлишига қўмақлашади. Дарвоқе, шахмат билан ошно инсон албатта, китоб мутлола қилади. Бу бор гап. Аммо...

Ҳамма гап ана шу «аммо»да. Очиғини тан олайлик. Юртбошимизнинг ўзлари болалар спортини ривожлантиришга астойдил ғамхўрлик қилаётган бўлсаларда, болалар ўртасида шахматни янада оммалаштириш учун амалий чора-тадбирлар қўриляптими? «Хар бир ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлирида, маҳаллаларда шахмат бўйича мусобақалар уюштириляптику», дерсиз. Гапингизда жон бор, газетхон. Ҳақиқатан ҳам ўқув масканлари-

да, маҳаллаларда болалар ўртасида шахмат мусобақалари ахён-ахёнда ташкил қилиняпти. Фолиблар мутасаддиларнинг эсдалик совгалари билан тақдирляняпти. Лекин, шахматнинг оммавийлашуви, юртимиздан Рустам Қосимжонов сингари жаҳон чемпионлари етишиб чиқиши учун бу тадбирларнинг ўзи камлик қилади-да.

Авалло, тарихдан маълумки, ота-боболаримиз шахматни жуда яхши билишган. Ўрта асрларда, хатто Амир Темур

даврида ҳам шахмат бўйича турнирлар уюштирилгани сир эмас. Демак, юртимизда салоҳиятли, шахматни чин дилидан севуви-чилар жуда кўп. Ўзбегимнинг асл ўғлини Рустам Қосимжоновнинг жаҳон чемпионлигини қўлга киритгани қалбларда гурур туйғусини жўштириб юборгани ҳам рост. Шу, энди Рустам Қосимжонов издошлари орасидан ҳам улкан иқтидор соҳиблари етишиб чиқмоғи учун нималар қилиш керак? Назаримизда мактаблардаги,

коллежлардаги жисмоний тарбия дастурларида шахматни алоҳида фан сифатида киритмоқ зарур. Ҳақиқатан ҳам шахмат дарслари ўқув юртлирида мунтазам ўқитилса, нур устига аъло нур бўлур эди. Яна бир гап: кўпгина таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия ўқитувчиларининг кўпи шахматни чуқур ўзлаштирмаган. Ҳали бу муаммони ҳам бартараф этиш жоиз. Балки, шахмат тарғиботи учун янги матбуот нашрини ташкиллаштириш керакдир. Шахмат бўйича дарсликлар, қўлланмалар яратилса ниҳоятда мақсадга мувофиқ бўларди-да.

Хулоса қилиб айтганда, бизнинг тақлифларимиз амалга ошса келажақда Ватанимиздан қўлаб шахмат юлдузлари етишиб чиқади, деган умиддамиз. Бу эса қўнғилга гурур бағишлайди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Ҳар тўғрисида

**ҚОРБОГА ХАТ ЁЗИШНИ
УНУТМАДИНГИЗМИ?**

Халқимиз доимо Янги йил байрамини тўкин дастурхон атрофида, фарзандлари ва ақилларининг даврасида нишонлаб келади. Бу кун ҳаммининг кайфияти чоғ, болаларнинг хурсандчиликларини-ку гапирмасе ҳам бўлади. Ахир бу кун гўёки уларнинг Қорбогадан сўраган тилак-истаклари рўёбга чиқадиган кун. Кўпгина оила фарзандлари ўз орзулари битилган қор хатларини узок ўқлардаги «Қорбога»га жўнатиб, унинг келишини, айниқса сўраган нарсаларини олиб келишини интиқиб кута бошлайдилар. Ота-оналар эса болалари учун тўқиган эртақларига сал бўлмасе ўзлари ҳам ишониб қолаётган пайт ҳисобланади.

юборишини Қорбогадан сўраган эди. Рухоний бу хатни ўша худуддаги бир бойга олиб боради. Хатдан таъсирланган саховатпеша киши ушбу камбағал оилани бир умр ўз қарамоғига олади...

Шундай хатлардан яна бири бир болакайдан келади. У ўзининг жарроҳликда йўқотган оёқларининг ўрнига Қорбогадан сунбий оёқни ўтиниб сўрайди. Бу истак яна бир халоскор томонидан бажарилади».

Албатта, беш қўл баробар бўлмаганидек, қуйдаги мазмундаги хатлардан ҳам парчалар келтирилади:

«...Бир зодагоннинг фарзанди ўзига бриллиант ва ёқут тошлар билан беэ-

тилган ажойиб ёқа, яна бири ўз тенгдошларининг тушига ҳам кирмаган ажойиб кўғирчоқларни, қимматбаҳо соғваларни сўраб хат йўллайдилар. Бу илтимосномалар уларнинг миллионер оталари — «Қорбога»лар томонидан бажд келтирилади...»

Бизнинг болаларимиз фақат гўзал нарсалар орзусида хат йўлласинлар. Биз ота-оналар ҳаммиша уларнинг орзуларини рўёбга чиқара оладиган «Қорбога»лар бўлиб юрайлик.

**Лола АРИФЖОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий
давлат архиви ходими.**



**Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
яқинлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
2764 нусхав босилди. Қўғоғ бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатда олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича тузур хойлардаги почта бўлимига еки «Тошкент почтамини»га — 133-74-05 телефонига муурожаат қилишигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбуот акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.